Тазкия дарслари (92-дарс). «Саййидул истиғфор»ни ўқиш ва дуо қилиш

13:30 / 04.07.2020 4759

???? ???????? ???? ?????? ?????? ????? ?????? ?

???? ?????????? ??? ???? ???? ???? ?????:

«??????? ???????????????? ???? ???????:

?????????? ?????? ?????? ??? ?????? ??????

??????? ??????????? ??????? ????????? ???????

????? ???????? ?????????? ??? ??????????

??????? ???? ???? ????? ??? ????????? ?????????

???? ???????????? ???????? ????????? ????

????????? ????????? ??? ????????? ??? ????????

?????????? ?????? ??????. ?????? ???????? ????

?????????? ???????? ????? ??????? ???? ????????

?????? ???? ???????? ?????? ???? ?????

??????????? ?????? ???????? ???? ?????????

?????? ??????? ????? ??????? ???? ???????? ??????

???? ???????? ?????? ???? ?????? ??????????».

??????? ??????????? ?????? ?????????.

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Истиғфорнинг саййиди «Аллоҳумма анта роббии. Лаа илааҳа илла анта. Холақтаний. Ва ана абдука ва ана ала аҳдика. Ва ваъдика мастатоъту. Аъуузу бика мин шарри маа сонаъту. Абууъу лака би неъматика алайя. Ва Абууъу лака би занбий. Фағфир лий. Фа иннаҳу лаа яғфируз-зунуба иллаа анта», демоғингдир.

Ким уни ишонч билан наҳорда айтса, ўша куни кеч киришидан олдин ўлиб қолса, аҳли жаннатдан бўлур. Ким уни ишонч билан кечаси айтса, ўша куни тонг отишидан олдин ўлиб қолса, аҳли жаннатдан бўлади».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Маъноси: «Эй Аллоҳим! Сен Роббимсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени халқ қилдинг. Мен Сенинг бандангман. Мен қодир бўлганимча Сенинг аҳдинг ва ваъдангдаман. Сендан ўзим қилган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Сенинг менга берган неъматингни эътироф қиламан. Сенга гуноҳларимни ҳам эътироф қиламан. Мени мағфират қил. Сендан бошқа ҳеч бир зот гуноҳларни мағфират қилмас».

Ушбу «Саййидул истиғфор» номи ила машҳур бўлган дуони ўқиб юришни кўпчилик азизлар одат қилишган. Дуони яхшилаб ёд олиб, ўқиб юрмоқни ҳар бир мусулмон одат қилиши лозим.

Кейин қуйидаги дуони ўқийди:

???? ?????? ????? ???? ?????? ??????????? ????

???????? ???? ??????? ?????: ????? ??????? ?????

??? ???? ???? ???? ????? ???????? ?????:

«??????????? ????? ???????? ????????????

?????????? ????????????? ??????? ??????????

????????? ??? ???? ???? ???? ? ????????? ????????

??????????? ???????? ????????? ????? ????? ????

??????????????».

Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман ибн Абзодан, у отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон тонг оттирсалар: «Асбаҳнаа ала фитратил Ислами ва калиматил ихласи ва дийни Набиййинаа Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллама ва миллати

абийнаа Иброҳийма ҳанийфан муслиман ва маа каана минал мушрикийн», дер эдилар».

Маъноси: «Ислом фитратида, ихлос калимаси, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дини ва мушриклардан бўлмаган бошқа динларга оғмаган муслим отамиз Иброҳимнинг миллатида тонг оттирдик».

Сўнг қуйидаги дуони ўқийди.

???? ????? ?????????? ?????? ????? ?????? ?????:

????? ??????? ????? ??? ???? ???? ???? ???????:

«?????????? ???????? ??? ?????? ??????? ????

???????? ???????? ?????????? ??? ?????????

??????? ?????? ????????? ?????????? ??? ????????

??????? ?????? ????????? ????????? ??????????

????????? ??? ??? ????? ??????? ?????????

????????? ??????? ??? ???? ????? ?????».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳим! Менга ишимнинг боши бўлган динимни ислоҳ қилгин. Менга унда маошим бўлган дунёимни ислоҳ қилгин. Менга унда қайтар жойим бўлган охиратимни ислоҳ қилгин. Менга ҳаётни ҳар бир яхшиликда зиёда қилгин. Менга ўлимни ҳар бир ёмонликдан роҳат қилгин», дер эдилар».

???? ?????? ???? ??????? ?????: ????? ?????? ????

????? ??? ???????: ??????????? ?????

???????????? ???? ????????? ????????. ???????:

??? ?????????? ???? ?????? ????? ?????????? ???

?????? ??????????? ???????????? ???? ???????

????? ??? ???? ???? ???? ? ???? ???????? ???????

?????????? ???? ???????? ????????? ??????

????????? ?????? ???????? ????? ????????? ????

???????? ????????? ?????? ????????: «??????????

?????? ?????? ??? ????? ?????? ??????? ????????

???????????? ???????? ????? ?????????

???????????? ??? ????? ????? ????? ????? ????

?????? ???? ??????? ????? ?????? ????? ???????

?????? ??????? ?????????? ??????????? ????????

????? ????? ????? ????? ?????? ???????? ???????

????? ??????? ??????? ?????? ???????? ??????????

????? ??????? ??? ???? ????? ??????? ?????? ?????

????? ???????? ?????? ????? ????????????????

????? ?????? ????? ??????? ???????????». ???????

????? ???????????.

Толқ ибн Ҳабибдан ривоят қилинади:

«Бир киши Абу Дардонинг ҳузурига келиб: «Эй Абу Дардо, уйинг куйиб кетди», деди.

«Куйгани йўқ. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган гапга кўра, Аллоҳ бундай қилмаган бўлса керак. Ул зот шундай дедилар: «Бир калималар бор, уларни ким наҳорнинг аввалида айтса, кеч киргунича унга мусибат етмас, ким уларни наҳорнинг охирида айтса, унга тонг отгунича мусибат етмас: «Аллоҳим! Сен Роббимсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сенга таваккул қилдим. Ва Сен улуғ Аршнинг Роббисан. Аллоҳ нимани хоҳласа, бўлади, нимани хоҳламаса, бўлмайди. Алий ва Азийм Аллоҳдан бошқанинг қудрати ҳам, қуввати ҳам йўқ. Билурманки, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир ва Аллоҳ барча нарсани илми ила иҳота қилгандир. Аллоҳим! Албатта, мен Сендан ўз нафсим ёмонлигидан ва Сен пешонасидан тутган ҳар бир жониворнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Албатта, Роббим сиротул мустақиймдадир».

Ибн Сунний ривоят қилган.

«Руҳий тарбия» китобидан